

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
www.insonvaqonun.uz
www.insonvaqonun.adliya.uz

2018 йил 27 март
сешанба № 12 (1112)



ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ЭГА МАМЛАКАТ. УНИНГ ТАШАБУСИ ЭСА ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

ПОЙТАХТИМИЗ икки кун давомида йирик халқаро анжуманга мезбонлик қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилаётган **“Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик”** мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида ЎзА мухбирлари анжуман иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқди.

Ибрат ЖУМАОБОВ (Ибрат Сафо), ВВС мухбири:

— Халқаро ҳамжамият эътиборини тортган ушбу анжуман Афғонистонда тинчликка эришиш жараёни, хавфсизлик масалаларига қаратилган. Бу биргина давлатнинг иши эмаслиги, тинчлик ҳамма учун, дунё ахли учун ҳаётий муҳим масала эканини ҳисобга олсак, анжуманнинг аҳамияти янада ортади. Конференцияни тинчликка эришиш йўлидаги жуда улкан ҳаракат деб ҳисоблайман. Ўзбекистон айтиш эзгу ҳаракатга бошчилиқ қилаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бу эса Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистондаги мувозанатли ҳаётга, у ерда тинчликни ўрнатish жараёнига бефарқ эмаслигини кўрсатади. Ўзбекистонда бу каби конференциянинг ташкил этилиши ва уни кенг оммага ёритишнинг тизимли йўлга қўйилгани биз, журналистларни қувонтиради. Бу жараёнда журналистлар учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланяпти.

Меҳмет ЖОНПҲЛАТ, Туркия телерадиокомпаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мухбири:

— Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини мустақамлаш борасида олиб бораётган ишлари, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ривожланишига бефарқ эмаслиги эътиборга молик. Ҳар қандай давлат учун тинчликнинг аҳамияти юксак. Қаерда тинчлик бўлса, уша ерда ҳар томонлама ривожланиш бўлади, мамлакат тараққиётга эришади. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилаётган конференция икки қўшни давлат учун ҳам юксак аҳамиятга эга эканини таъкидлаш жоиз. Бу саъй-ҳаракатлар ўзаро алоқаларни мустақамлаш билан бирга, Афғонистондаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилиши кутилмоқда. Зеро, тинчлик иқтисодий барқарорликка эришиш ва жадал ривожланиш асосидир.

Гюнтер КНАБЕ, Германиянинг “Deutsche Welle” телерадиокомпанияси мухбири:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз ечимини кутиб турган масалалар доирасида Афғонистонда мустақам тинчликка эришишга оид ғоят оламшумул таклифни ўртага ташлади. Дунё экспертлари, бевосита қўшни мамлакатлар эътиборини айтиш давлатга қаратиш орқали вазиятни тубдан таҳлил қилиб, барқарор тинчлик ва ривожланишга эришиш асосий вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистон мез-

бонлик қилаётган ушбу конференция ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз. Бутун дунё ҳамжамиятининг эътибори қаратилган анжуманда вазиятни ўрганиб, уни таҳлил қилиб, барқарор тинчликка эришиш йўлида муҳим қарорлар қабул қилиниши кутилмоқда. Айтиш жоизки, бу воқеаларни жаҳон афкор оммаси кузатаётгани ушбу мамлакатлар тақдирини барча учун муҳим эканидан далолатдир.

Даниел КИСЛОВ, Россиянинг “Фергана.ру” ахборот агентлиги бош директори:

— Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққиётга эътиборини эътироф этишдан мамнунман. Айниқса, унинг туристик жиҳатдан юксалаётгани мени хайратда қолдирди. Анчандан буён бу жаннатноманд юрда бўлмаганим. Ўз тараққиёт йўлига эга бўлган ушбу давлатдаги ривожланиш, унинг қўшни мамлакатларга муносабати, Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор билан ёндашуви мени журналист сифатида жуда мамнун этади.

Айтиш жоизки, дунё экспертлари билан бирга журналистлар ҳам ушбу воқеани алоҳида эътибор билан кузатмоқда. Чунки қўшни давлатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга қаратилган қатор ташаббуслар билан чиқиб, турли лойиҳа ва анжуманларга бош бўлаётган Ўзбекистон кўплаб мамлакатлар билан мустақам ҳамкорлик алоқаларига эга. Бу ташаббус унинг ўз принциплари, тизимли тараққиёт режасига эга давлат эканидан далолат.

Бу анжуман кейинчалик ҳам ташкил этиладиган бир қатор хайри ишларнинг, кўп то-

монлама ҳамкорлигининг асоси бўлиб хизмат қилишига ишонаман.


Муҳаммет ЭНЕС ПҲЛАТ, Туркия телерадиокомпанияси мухбири:

— Ўзбекистон — жуда юксак сапоҳиятга эга мамлакат. Имкониятлари жуда кенг. Шу билан бирга, ташаббуслари ҳам халқаро миқёсда ғоят аҳамиятли. Қўни-қўшничилик муносабатларига жиддий ёндашуви бошқа давлатларга ўрнатилган даражада. Марказий Осиё минтақасида барқарорлиқни таъминлаш, мамлакатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий муносабатларини тизимли йўлга қўйишдан кўплаб давлатлар бирдек манфаатдор.

Афғонистонда узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган турли низолар кўплаб давлатларни ташвишга солади. Албатта, биргина конференция доирасида ушбу муаммо ҳал бўлмағлиги мумкин. Аммо бу каби эзгу ишларнинг ҳамкорликда ва тизимли давом этирилиши, қабул қилинадиган қарорлар, таклифлар, албатта, ўз самарасини беради, деб ўйлайман. Ушбу анжуман давомида хавфсизлик масалалари, тинчлик ва фаровонликка эришиш, уни ҳал этишнинг муносиб ва ўзаро манфаатли йўллари топиши, ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга ҳаракат қилинади. Бу масалаларнинг натижаси биз учун муҳим.

Барно МЕЛИҚУЛОВА, Улуғбек ШОНАЗАРОВ ёзиб олди.

Истанбулдан Адлия вазирлигига хат



ОЛИЙ маълумотлиман. Ўтган ойда турмуш ўртоғим ва икки нафар фарзандим билан Истанбулга ишлаш учун келдик. Хужжатларни расмийлаштириш ишларини бошладик. Аммо фарзандимнинг тутилганлик ҳақидаги гувоҳномага апостиль қўйилмаган экан. Хужжатларни бир ҳафта ичида расмийлаштирмасак жарима тўлашимизга тўри келар экан. Қарз-қавола қилиб чиптага пул тўплаган эдик. Нима қиларимизни билмай қолдик. Вақт ҳам оз қолганди.

Апостиль Адлия вазирлигидан қўйилар экан. Буни интернет орқали билдик. Зарур ҳужжатларни тўплаб, Тошкент шаҳридаги қариндошларимиз орқали вазирликка топширдик. Мазкур ҳолатни адлия ходимларига тушунтирилган экан, барака топишсин, тез кунда ишимиз ҳал бўлиб, гувоҳномаларимизни Туркияга йўллашди. Апостиль учун тўлов ҳам ўн баравар арзонлашган экан. Бу ҳам биздек инсонлар учун қулайлик бўлибди.

Инсонларнинг дардини тушунган, муаммосини ўз муаммоси, деб билган адлия ходимларига миннатдорлик билдираимиз. Соғ бўлишсин.

Мирзааҳмедовлар оиласи.

Ушбу хат таҳририятимизне фейсбукдаги саҳифасига йўлланган.

Кабарингиз борми?

ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКС КУЧГА КИРАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон Фармони билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари (илгари ишлар биринчи ва апелляция судларида кўриб чиқиларди) тегишли иқтисодий судларга айлантирилган эди.

Натижада, Ҳўжалик процессуал кодексини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди.

Шу босис, 2018 йил Иқтисодий процессуал кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2018 йил 24 январдаги УРҚ-461-сон Қонун билан тасдиқланди.

Ушбу кодекс замон талабларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қонун ҳужжатларида мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида такомиллаштирилган амалдаги Ҳўжалик процессуал кодекси нормаларига асосланиб ишлаб чиқилган.

Кодекс билан қуйидагилар:

- судга мурожаат қилиш шакллари (даъво аризаси, ишювет, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни белгилаш ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини белгиловчи бошлар киритилган;
- фуқаролик судларида бўлганидек, айрим низоларни кўриб чиқиш вилоят даражасидаги судларнинг судловига киритилган (чет эллик шахслар — норезидентлар иштирокидаги ишлар, хорижий судлар ва арбитражлар қарорларини эътироф этиш ҳақида ижро этиш тўғрисидаги ишлар);
- низоларни тезликда кўриб чиқиш мақсадида судловнинг умумий қондаси ўзгартирилган (юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга даъволар улар рўйхатдан ўтказилган жой бўйича судга тақдим этилади);
- давлат органларининг хусусий мулкчилик муносабатларига жалб этилишини чеклаш мақсадида прокурор устас жамғармасида давлат улуши бўлмаган шахсларнинг ёзма розилиги бўлмагандагина уларни ҳўжа қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақ эканлиги назарда тутилган;
- Фуқаролик процессуал кодексидан бўлганидек, шартлашилган (ихтиёрий) вакиллар рўйхати келтирилган, шунингдек, судда вакил сифатида ишларни кўриб чиқиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шугулланишлари мумкинлиги белгиланган;
- солиқ бўйича қарздорликни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга доир суд тартиби чўқариб ташланган, чунки бундай ишлар одамда тортишувга ўрин қолдирмайди;
- назорат инстанциясида суд ҳужжати қайта кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 2018 йил 1 апрелдан кучга киради.

Анвар УСМОНОВ,
Тошкент шаҳар иқтисодий суди судьяси


Китобсиз келажак йўқ!

ЯҚИНДА бир ўстоз инсоннинг туғилган кўни яқинлашиб қолган эди. Табарруқ ёшни қаршилаётгани босис, нимодир совға қилишни кўнглимга тўғиб қўйдим. Ҳаёлимда ўйладим... Нима совға қилсам экан, тўн олсаммикан? Йўқ, бўлмайди, тўн олсам бир марта эгнига ташлайди-ю сўнг унинг ҳузурини сандик кўроди. Қимматроқ биронта соат олсаммикан? Буям бўлмайди, ҳозир ҳамманинг қўлида телефон, у вақтдан ҳам, керак бўлса об-ҳаводан ҳам дарак бериб турибди...

Хуллас, ўйчи ўйини ўйлагунча тавақалчи ишини битирибди, деганларидек устозимнинг таваллуд кўни ҳам келиб қолди. Бугун туғилган кўни, совға эса ҳамон ноаниқ. Фақат хаёлдан совғабоп турли хил матоҳлару, зарбу тўнлар ўтмоқда. Айтмоқчи, устозимиз адабиётга меҳр қўйган, унга ошно тутилган, у билан сирлашадиган, хуллас, адабиёт билан ҳамнафас одам.

Уша кўни ишхонага анча вақтликроқ келдим. Хона эшигини очдим, хаёлимга туғилган кўнга китоб совға қилиш фикри келди. Бундан ўзим ҳам руҳланиб кетдим,

КўРДИМ, АНГЛАДИМ ОДАМЛАР ЯНА КИТОБ ЎҚИЯПТИ



гўёки узоқ вақт йўқотган нарсамни топгандек бўлдим. Мўлжалга тўғри пойтахтимизнинг қўқ марказидаги китоб дўконларини олдим у йўлга чиқдим. Аммо кўнглимда бир ҳадик бор эди, ҳозир китоб дўконлари очилмадики... Саф тортиб турган қатор китоб дўконларини, расталарни мўралаб, секин-аста ай-

ланишга тушдим. Китоб дўконларининг кўпчилиги очилганини кўриб қувондим. Айниқса, дўкондан қўлида китоб билан чиқиб келаётган харидорларни кўриб, тўғриси, ҳайратландим. Китоб дўконларидан бирига кирдим. Сотувчидан менга бадиий китоблардан кўрсатсангиз, дея сўрадим. Шунда со-

тувчининг менинг саволимга берган жавоби антика бўлди.

— Узр, мен унақа китобларни яхши тушунмайман, ҳозир ҳўжайимини ташқарида эди, кирса кўрсатади. Лекин сиздан олдин ҳам икки киши сиз сўраётган китоблардан олиб кетди, бири совға учун, иккинчиси эса ўзи ўқишга олди.

Сотувчининг ҳўжайини ҳам кирди, ҳартуғул у менинг истагимни тушунди. Олдимга ўзбек ва чет эл адибларининг сара асарлари жамланган китобларни қўйди. Китобларни кўздан кечирар эканман, улардан бирини танлашм анча мушкул бўлди. Чунки мен совға олиб бормоқчи бўлаётган бу инсон каттагина китоб фондига эга. Айниқса, у кишида ўзбек адибларининг барча китоблари борлиги аниқ. Тавақал қилиб, буюк рус ёзувчиларидан бирининг китобини олдим.

Совгани олиб қайтар эканман, китоб дўконларидида харидорлар, сотувчилар, у ердаги манзаралар хаёлимдан ўтиб, шундай ўйладим: демак, одамлар яна китоб ўқимокда, демак, улар китобнинг бебаҳо хазина эканлигини англаб етган. Шунингдек, китобдан яхши совға йўқлигини ҳам тушунган.

Совгани ўз эгасига топширдим. Бошқа совгаларни қабул қилганда қандай ҳолат бўлган билмадим, совға қилинган китобни кўрига оҳиста олар экан, устоз адиб — ўх, узру, раҳмат, — дея китобга меҳр билан боқди...

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Тошкент шаҳар адлия бошқармасидан ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ!

БУЮК ажодларимизнинг жаҳонга танилиши замири китоб билан боғлиқ. Зеро, буюк шоиру алломаларимиз мутлола, ўқиб-изланиш ҳикмат эканлигини билгани учун китобни улуғлаган.

Давлатимиз раҳбари томонидан китобхонлик маданиятини шакллантириш масаласи кун тартибига бежиз қўйилмади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ташаббуси билан Наврўз байрами арафасида пойтахтимизда жойлашган “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчилари учун хайрия акцияси ташкил этилди.

Акция доирасида 1 200 га яқин китоблар, болажонлар учун зарур бўлган ўқув қуроллари, эсдалик совгалари ва турли хилдаги ўйинчоқлар тўпланди.

Тўпланган китоблар ва эсдалик совгалари Юнусобод туман 21-сон “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиларига топширилди.

Аброр БЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
масъул ходими



(Суратда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 21-сонли “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари.)

ХАВОТИР

КЕНГ хонада ойнаванд дераза ёнида 4-5 ёшли иккита болакай ўтирибди. Ҳар замон-ҳар замонда деразадан пастга қараб кўяди. Улар дадасини интиқлик билан кутаяпти. Нега экан-а?

Болаларнинг бижир-бижир гапидан маълум бўлдики, дадаси уларга “зўр мульт” олиб келишга ваъда берган. Аслида улар дам олиш кунлари “Бола-жон” телеканалдан бир-бирдан ажойиб мультфильмларни маъна қилиб томоша қилишади. Бироқ дискда ёки дадаси олиб келган флешкада янгидан-янги қизиқарли мультфильмларни кўришнинг ҳам завқи бошқача-да!

Мана, ниҳоят, эшик кўнгирағи жириглади. Болалар сакраб туриб, чопишди. Дадаси эшикдан кирар-кирмас “мульт” дискини сўрашди. Хайрият, отаси ваъдасини унутмабди. Тагин дадаси уларга болаларнинг дунё ҳақидаги илк билимларини чархловчи, рангларни ажратишга кўмаклашувчи бошқотирма ўйинлар ва кувноқ машина ўйинларини ҳам олиб келибди. Булар орасида “Kamaz Trenger” ўйини болаларнинг эътиборини биринчи бўлиб тортиди. Уйил бола эмасми, автомобиллар, турли хил кўк машиналарини кўришди-ю, мультфильм ҳам бир чеккада қолиб кетди.

Хонада жимлик... Ота зўр бериб компьютер қурилмасини кўздан кечираяпти. Икки қорақўз ювдираб экранда тезроқ “Kamaz Trenger” ўйини бошла-нишини кутаяпти. Болалар сабрсизлик билан оёқларини типирчилатишади. Ниҳоят, экранда тасвир пайдо бўлди: “Яшасин!”. Болаларнинг шодлиги чексиз... Вой, бу нима?! Бир муддат болалар хайрон бўлиб қолишди. Ота ҳам довдираб қолди. Экранда беҳаё тасвирлар гавдаланарди. Алламбало маҳсулотнинг рекламаси шу тариха хаё-сиз кадрлар орқали берилаяпти. Ота ан-ча пайт нима қиларини билмай талмов-сираб қолди. Маънисиз тасвирлардан болаларнинг беғубор нигоҳларини асра-сигис келар, бунинг учун жон ҳолатда тирмашиб, ўша рекламани бутунлай ўчириб ташламоқчи бўларди. Лекин бу жараён шунчалек тез содир бўлдики, “Kamaz Trenger” ўйинининг бошланиш қисмига “маҳкам” қилиб ёпиштириб қўйилган уйингуйгур рекламани на ўчиришининг, на ўтказув тугмаси орқали ўтказишининг иложи бўлмади. Компью-

Интернет оралаётган бола



терни бутунлай ўчириш фикри келган-да эса ота анча кечиккан эди. Нима бўлаётганини тушунмай экранга қараб турган, қалблари пок болакайлар икки дақиқалик рекламани аллақачон кўриб бўлган эдилар...

Рекламачи ишқибозлар ўз ишлари-га шу даражада берилиб кетишибди-ки, ҳатто, барча ёшдаги болалар севиб ўйнайдиган компьютер ўйинларига ҳам маҳсулотларини жойлашди. Бундай тасвирларни кўриб улгайган боланинг маънавияти қандай шаклланиши, унинг қандай тарбия топиши уларни ҳеч таш-вишга солмаётгани турган гап. Биз-чи, биз болаларни бу каби зарарли ахборотлардан қандай ҳимоя қила оламиз, бу балодан уларни қандай асрай оламиз? Бу каби ҳолатларни ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш жараёнида ҳам кўп учратиш мумкин.

Ижтимоий тармоқлар ундай, ижтимоий тармоқлар бундай, ёшлар маънавия-тига акс таъсир ўтказаяпти, деганимиз билан ҳеч нимани ўзгартири олмаё-пти. Ҳаётимиздан интернетни олиб ташлай олмаёмиз-ку... Худди шундай, ёшларни ҳам интернетдан чеклай ол-

маймиз. Негаки, интернет орқали улар фақат керак-кераксиз маълумотлар, маънисиз ўйинлар билан чекланаёт-гани йўқ, билим ҳам олишяпти-ку! Та-саввур қилайлик, мактаб ёшидаги бола, худда-бехудда интернетга кириб вақт сарфламайди, фақатгина керак бўлган пайтда, айтилган, электрон адабиёт-лардан фойдаланиш учун, маънавий ҳолдик чикариш мақсадида яши бир фильм томоша қилиш учун интернетга қиради. У ҳаммиса ота-онаси назорати-даги, тарбияли бола бўлиши мумкин. Лекин унинг фақат ўзигагина боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ҳам бор-да. Кутил-маганда қандайдир саҳифадан беҳаё рекламалар, аллақандай мазмунсиз тасвирлар келиб чиқавериши мумкин. Энг ёмони бундай ҳолда ҳаммамизнинг кўлимиз калталек қилади. На ота-она, на ўқитувчи, тарбиячи бола руҳиятида кечиси мумкин бўлган салбий ўзга-ришларни даф қила олмайд.

Интернет оламида қанчадан-қанча он-лайн ўйинлар мавжуд. Улар ораси-да “Counter-Strike”, “Шашка” кабилари ёшлар томонидан энг кўп ўйналади ва буларда беҳаё тасвирлар билан боғлиқ жараёнлар жуда кўп мартаба учрай-ди. “GTA”, “Mortal Combat”, “Call of Duty” интернет ўйинлари эса Ўзбекистонда таққиланган. Аммо худди шу ўйинлар-нинг диск варианты бугунги кунда сав-до расталарида сотилмоқда. Он-лайн дунёсининг сарҳадсиз ўйинлари ораси-га болалар ораламайди, деб қафолат бера оламизми?

Кўриб, билиб туриб баъзан болалар маънавиятини бўлмағур маълумотдан ҳимоя қила олмай қоламиз. Кўрмаган пайтларимизда-чи?! Кун давомида бола ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай жойдан қанчадан-қанча ахборотларни қабул қилаяпти. Бунинг ҳаммаси ҳам бизга маълум эмас, кўпчилиги эса бутунлай мавжуд.

Болаларни зарарли ахборотдан ҳи-моия қилиш, уларнинг маънавий хавф-сизлиги учун қандай чора кўриш керак? Балки интернет тармоқларига, компю-тер ўйинларига ва интернет он-лайн ўйинларига қандайдир чеклов дас-турларини ўрнатиш керакдир. Керак-ли маълумотни қидирганида лоп этиб олдиндан чиқиб қолаверадиган беҳаё ва мазмунсиз рекламаларга филътра-га ўхшаш қурилма ўрнатиш ҳақида бош қотириш керакдир. Ҳар ҳолда ривож-ланган, тараққий этган техника замони-да яшаймиз. Албатта, бу ўринда ота-о-наларнинг ҳам эътиборли бўлиши, уйга интернет симлари уланган бўлса, бола-лар фойдаланиши учун махсус чеклов дас-турларини ўрнатишлари талаб эти-лади.

Мадҳия АВАЗОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ФАОЛИЯТ

Фуқаролар эмас, ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хиз-матлари кўрсатишнинг миллий тизи-мини тубдан ислоҳ қилиш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги Фармони ва мазкур ҳужжат асосида шу санада қабул қилинган “Ўзбекистон Республи-каси Адлия вазирлиги ҳузуридаги дав-лат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори дав-лат хизматлари кўрсатиш сифатини бутунлай янги босқичга кўтарди. На-тижада, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб аввалги “Ягона дарча” марказ-лари Давлат хизматлари марказлари-га айлантилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобай-нида марказимизда 100 га яқин дав-лат хизматлари кўрсатилди. Шу билан бирга, 149 та яқка тартибдаги тад-биркор янгидан, 98 таси эса қайтадан давлат рўйхатидан ўтказилди. Худди шунингдек, юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларининг янги-дан давлат рўйхатидан ўтгани 43 та, қайтадан ўтгани бўлса 24 тани таши-кли қилди. Масалан, туманимиздаги “75-сонли автокорхона” МЧЖ раҳбари Пайзулла Ахунжанов 2018 йил 26 ян-варь куни жамиятга қарашли бола ва иншоотлар ҳамда ер участкаси-га бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиб беришни сўраб мурожаат қилди. Бинобарин, тадбир-корнинг мурожаати дарҳол ijro.uz сайти орқали туман “Ермулкадаст” давлат

корхонасига юборилди. Натижада, ипо-тека шартномаси шу куннинг ўзидаёқ рўйхатдан ўтказилди.

Шунингдек, туманимизнинг Юқори-қиллоқ маҳалласида яшовчи фуқаро Мухторжон Мўминов 2018 йил 22 ян-варь куни марказимизга мурожаат қилиб, ҳовлисидидаги бино-иншоотлар-да тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида қурилиш-монтаж ва реконструкция ишларини бажаришга рухсатнома беришни сўраган. Мазкур мурожаат тезкорлик билан ijro.uz сайти орқали Фарғона вилоят архитектура-қурилиш назорати инспекциясига юбо-рилди. Кўп ўтмай, М.Мўминовга 75-сон-ли рухсатнома берилиб, мурожаати қаноатлантирилди. Ваҳоланки, илгари бундай рухсатнома учун вилоят ишчи гуруҳининг ҳар бир аъзосига бирма-бир учрашиб, ҳужжат тайёрлаш лозим эди. Агар тўпланган ҳужжатларда бир-ор камчилик аниқланса, фаолият ман-зиллига бир неча бор келиб кетиб, ҳам вақт, ҳам ортиқча маблағ сарфлашга тўғри келарди. Қолаверса, бундай ва-зиятда коррупция ҳолати ҳам юзга келиши мумкин эди. Юрдошларимиз мана шу ҳижатлари билан ҳам давлат хизматлари марказининг афзаллигини ҳис қилишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тилга олинган Фармонга мувофиқ 2018-2020 йилларда фақат Давлат хизматла-ри марказлари орқали кўрсатиладиган яна 52 та давлат хизматлари босқичма-босқич жорий этилади. Жумладан, 2018

йил 1 апрелдан эътиборан жисмоний ва юридик шахсларга муҳандислик-коммуникация тармоқларига “тайёр ҳолда” улашиш, яқка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рух-сат бериш, болаларни давлат мактаб-гача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб ФХДЭ ва но-тариат органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш, судланганлик ҳақида, жисмоний шахс — солиқ тў-ловчининг солиқ ва бошқа қарзи йўқ-лиги (борлиги) ҳақида маълумотнома бериш, 2019 йил 1 июлдан эса олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатлар топшириш каби дав-лат хизматлари кўрсатилади. Масалан, олий таълим муассасасига ҳужжат топ-шириш хизмати жорий этилган, респу-бликамиз бўйича 650-700 минг нафар абитуриентнинг узоғи яқин бўлади. Натижада, абитуриент ҳужжат топши-ришга кетадиган вақтини имтиҳонларга тайёрланиш учун сарфлайди.

Албатта, юқоридаги барча хизмат-лар ҳамюртларимиз учун чексиз қу-лайлик демакдир. Ҳўни, ортиқча тар-тиб-таомиллар бартараф этилиб, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади”, деган тамойилнинг ҳаё-тий ифодаси таъминланади.


Ҳайдарали ЮЛДАШЕВ,
Тошлоқ туман давлат
хизматлари маркази директори

ЯХШИ ГАП

Мухбир аралашгач масала ҳал бўлди

2018 ЙИЛНИНГ январь ойида “Инсон ва қонун” газе-таси мухбири Янгийул туманининг Гулбаҳор кўрғонида жойлашган Ш.Рашидов кўчаси. “1а” ва “2а” кўп қаватли уйлар орасида бир неча йилдан буён тегишли, тоза ичимлик суви увол бўлаётган кувурни ҳамда таъ-мирлаб канализация трубасини суратга олиб, шу йил 30 январь кунин “Инсон ва қонун” газе-тасида чоп этган эди. Шундан сўнг уч кун ичи-да вилоят ҳокимининг топшириғи билан сув кувури ва канализация трубаси тасмирлан-ди. Маҳалла ахли бундан хурсанд. Шу сабабли таҳририятга ўз миннатдорлигимизни билди-рамиз.

Янгийул тумани, Гулбаҳор кўрғонида жойлашган “1а” ва “2а” уйда истиқомат қилувчи фуқаролар



Фуқарога кредит ажратилди

ГУЛИСТОН шаҳри, “Янги Ҳаёт” ма-ҳалласида яшовчи фуқаро И.Турабоева Ёшлар иттифоқининг тасвинонасига кўра иттифоқ аъзоларига мўлжалланган кўп квартиралы уйлардан сотиб олиш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Сирдарё минтақавий филиали томони-дан кредит маблағи ажратилмаётган-лигидан норози бўлиб, Сирдарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Бошқарма томонидан мурожаатни ўрганиш давомида фуқаро И.Турабоева банк филиалига бир неча ойдан буён мурожаат қилишига қарамасдан кредит ажратилмаганлиги аниқланди.

Адлия бошқармаси томонидан олиб борилган ўрганиш давомида фуқарога кредит ажратилганлиги тўғрисида банк-нинг 2018 йил 16 мартдаги 668-сонли хати олинди ва фуқаронинг мурожаати қаноатлантирилди.

Азиз МАВЛОНОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Ҳодим лавозимига тикланди

ТОШКЕНТ шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқаролар РКўқоров ва Ж.Шариповнинг улгуржи сав-до фаолияти билан шуғулланиш учун тадбиркорлик субъектларига лицензия беришга муаммолар вужуд-га келаётганлиги юзасидан Адлия вазирининг виртуал қабулхонасига ва “Ишонч телефони”га йўллаган муро-жаати ўрганиб чиқилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида ҳудудий Савдо департаментлари томонидан улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг ка-мида 3500 баравари миқдоридан устав фонди шакллан-тирилганлиги ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдоридан пул маблағи киритилганлиги-ни тасдиқловчи банк ҳужжатини департамент тақдим этмаган тадбиркорларга лицензия бериш рад этилаёт-ганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Сав-до, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментига Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамла-катнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори бил-лан тасдиқланган “Улгуржи савдо фаолиятини лицензия-лаш тўғрисида”ги низом талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, тадбиркорлик субъектларига улгуржи савдо фа-олияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш тўғрисида оғоҳнома киритилди. Мазкур ҳуқуқий таъсир чораси натижасида тадбиркорларга лицензиялар берил-ди.

Шунингдек, фуқаро М.Акрамова Тошкент Архитектура қурилиш институти қошидаги академик лицей мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, “Ишонч телефони”га қилган шикоят ҳам кўриб чиқилди.

Мурожаат асосида аниқланган қўнубузилиш ҳолат-лари юзасидан Тошкент архитектура қурилиш институти қошидаги академик лицейга тақдимнома киритилди.

Киритилган тақдимномага кўра, лицейнинг 2017 йил 16 августдаги М.Акрамова билан тузилган мажлис шарт-номасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғи асосан, деб то-пилди ҳамда ходим аввалги лавозимига тикланди.

Шунингдек, лицейнинг буйруғига кўра, унга мажбурий прогун учун тегишли компенсация тўлаб берилди.

Мавлада БОБОРАИМОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
масъул ходими

Табиат ва биз

БУГУН инсонларнинг табиий жа-раёнларга аралашуви кўп ҳолларда атроф-муҳитни ўнглаб бўлмас даража-да ўзгартириб юбормоқда. Табиат ва инсон ўртасидаги мутаносибликнинг бу-зилиши ва демографик ҳолатнинг шид-дат билан ўсиши ҳамда ривожланиб бо-риши натижасида унинг атроф-муҳитга таъсири муаммолари янада кенгайиб бормоқда. Сайёрамиздаги ҳароратнинг ўртача 1,5 даражага кўтарилиши эса до-имий музликлар эгаллаган майдонлар-нинг қисқаришига, умумий сув сатҳининг кўтарилишига, чўллашиш жараёнининг кучайишига, наботот ва ҳайвонот оли-мининг ноёб намуналарининг камай-иб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар табиатнинг бетакор объекти бўлган ҳайвонот дунёсининг камайиб кетишига олиб келмоқда.

Бу каби иқлим ўзгаришлари Европа-даги амфибияларнинг қарийб 70 фо-зи йўқ бўлиб кетиши хавфини юзга келтирмоқда. Британиялик олимлар бу ҳолат 2050 йилгача кузатилиши мумкин-лигини алоҳида таъкидламоқда.

Табиати ҳимоя қилиш халқро уюш-маси (IUCN) Президентининг айтиши-ча, 2050 йилдан кейин дунё баликчилик соҳаси ўз фаолиятини тўхтатишга маж-бур бўлади. Негаки, дунё океан ва ден-гизларидидаги балик ресурслари тугаб бўлади. Шунингдек, Халқро табиати муҳофазат қилиш иттифоқи тарақатган маълумотларга қараганда, ҳарода за-ҳарли газлар миқдори кўпайиши натижа-сида қушларга қирон келмоқда. Кейинги

БОРЛИҚ ҲАМОН ИНСОН МЕҲРИГА МУҲТОЖ



2050 йилдан кейин дунё баликчилик соҳаси ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади.

30 йил ичида Европада қушларнинг юздан зиёд тури йўқолган.

Шимолий Америкада эса сўнгги 40 йилда қушлар тури икки бараварга камайган.

Оролбўйи минтақасида сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш арафасида.

Ўзбекистонда қушларнинг 410 дан ортиқ тури мавжуд. Судралиб юрвчиларнинг эса 57 тури мавжуд. Сув ҳавзаларида 60 га яқин турдаги баликлар мавжуд.

30 йил ичида Европада қушларнинг юздан зиёд тури йўқолган. Шимолий Аме-рикада эса сўнгги 40 йилда қушлар тури икки бараварга камайган.

Бугунги кунда антропоген иш фао-лияти айрим турларнинг ва бутун эко тизимларнинг тез йўқолиб кетишига асосий сабаб бўлиб келмоқда. Яшаш муҳитини йўқ қилиб ташлаш, яйловлар-дан ноқонуний фойдаланиш, қиллоқ ҳўжалик ерларини кенгайтириш ва шаҳарларнинг барпо бўлиши — бу ёв-войи табиатга хавф солади.

Ўзбекистонда қушларнинг 410 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, шулардан 184 тури чумқўлар туркумига қиради. Суд-

ралиб юрвчиларнинг эса 57 тури мав-жуд. Жумладан, тошбақалар 1, калтаке-сақлар 29, илонлар 1,8 (заҳарлилар — 5 та кўзойнакли илон, қора илон, чўл қора илони, қалқон тумшўқ илон) турни таш-кил этади. Сув ҳавзаларида 60 га яқин турдаги баликлар мавжуд.

Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин ка-майиб бораётгани барчамизга маълум. Жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш арафасида. Орол-нинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонда-ги янги Оролқум саҳроси тобора бутун

Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва заҳарли ту-злар кўтарилиб, кум буронлари ва куч-ли шамоллар билан мазкур худуддан анча олиб бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 18 январдаги “2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорини бажариш юзасидан ҳамда Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқ-тисодий вазиятни ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга ва сифатини оширишга йўналтирилган лойиҳалар,

тадбирлар ва дастурларни шаклланти-риш ва барқарор молилаштириш ўта муҳим.

Шунингдек, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазир-лиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси фаолият-ини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳам жуда аҳамиятли.

Энг жиддий муаммолардан яна би-ри браконьерлик — ёввойи ҳайвон ва ўсимлик турлари билан ноқонуний сав-до қилиш ҳоллари бўлиб, буларнинг барчаси бизнинг сайёрамиздаги биоло-гик хилма-хилликнинг йўқолиб кетишига

сабаб бўлмоқда.

Конституцияимизнинг 55-моддаси та-лабларига кўра, “Ер, ер ости бойлиқла-ри, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умум-миллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, деб кўрсатилган.

Шунингдек, “Ҳайвонот дунёсини му-ҳофазат қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ўсимлик дунёсини му-ҳофазат қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормала-рини ҳаётга татбиқ қилиб, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофазат қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги му-носабатларни (флора ва фауна ҳуқуқига оид) ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Бугунги кунда Президентимизнинг экология ва атроф-муҳитини муҳофазат қилиш соҳасида қабул қилинаётган бир қатор фармон ва қарорлари экологик муаммоларни ҳал қилиш ҳамда ёввойи табиатни муҳофазат қилиш билан боғлиқ масалаларни ижобий ҳал қилишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Зеро, ёввойи табиат — бу миллий бойлигимизнинг бир бўлиғи. Аспрлар оша сакланиб келаётган табиат неъмат-ларини келажак авлодга безавол етказ-иш эса, ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
Тошкент давлат
юримдик университети
“Экология ва аграр ҳуқуқи”
кафедраси профессори,
юримдик фанлар доктори

Мулоҳаза

ДАБДАБАБОЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

янги қарор лойиҳасида қандай талаблар қўйилмоқда?

БУГУН мамлакатимизда миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, бой меросимизни тараққий эттиришнинг янги талабларини давр кўрсатмоқда ва бу йўлда янги тараққиёт босқичига чиқдик, десак, бўлади. Дабдабали маросимлар, ундан кейинги исрофгарчилик, қарага ботиш каби нохуш ҳолатларга чек қўйиш вақти етганини барчамиз ҳис этсагу, унга қарши на фикр, на эътироз билдирмасак, бу маросимларни тартибга солишни пайсалга солаверсак ҳеч бир натижага эриша олмаймиз.



• никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан 2 тадан кўп бўлмаган енгил автомобилдан кўрсатилиши;

• оилавий тадбирларда пуллик автотранспорт хизмати фақат лицензияга эга бўлган ташувчилар томонидан кўрсатилиши;

• миллий урф-одат ва анъаналарни менсимаслик, шухратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчилик ҳолатларига йўл қўймаслик.

Низом лойиҳасида белгиланишича, оилавий тадбирларда диний мавзуда маъруза кўзда тутилган бўлса, ушбу маъруза адлия органларида рўйхатга олинган диний ташкилот, диний таълим муассасасида ишлайдиган, диний билимга эга, масжид имом-хатиби ва ноиб-имом бўлган дин соҳаси вакили томонидан амалга оширилади.

Лицензияга эга бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларга оилавий тадбирларда хизмат кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Халқимизнинг миллий анъаналарига ёт бўлган, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган оилавий тадбирлардан олдинги, тадбир вақтидаги ва кейинги кўшимча, яъни "танишув", "сеп ёйди", "қуда таниш", "ота кўрди", "ота келди", "чаларли", "қуда чақирди", "куёв чақирди", "келин чақирди", "куёв навқари", "келин навқари", "келин салом", "тоғора юбориш" ва шу каби бошқа тадбирларни ўтказиш ман этилади. Шунингдек, "пул қистириш", "пул сочиш", одобсиз шоулар, "севги тарихи" ("Love story") каби ахлоқ-одобга зид бўлган бошқа ҳолатларга йўл қўйилмайди.

Дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлиқ миллий қадриятларимиз ва муқаддас динимиз қоидаларига зид бўлган ортиқча тадбирларни ўтказиш ман этилади.

Тўйхона, кафе ва ресторанларда 50 киши ва ундан ортиқ шахслар иштирокида ўтказиладиган оилавий тадбирлар учун тадбир ўтказувчи шахс ва тўйхона, кафе ва ресторан раҳбари ўртасида шартнома тузилади. Шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иш ҳамда хизмат тури, тўлов, харажатлар миқдори, тадбир иштирокчилари сони, муддати ҳамда амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа талаблар кўрсатилади.

Оилавий тадбирларда санъаткорларнинг (хонанда, созанда, раққос, бешовчи, сўз устаси, фотограф ва бошқалар) хизмат кўрсатиши қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида амалга оширилади. Бундай тадбирларда бир нафардан ортиқ санъаткорнинг (гурухнинг) иштироки этиши (хизмат кўрсатиши) ман этилади.

Ушбу қарор лойиҳасига айна кунда халқимиз ўз муносабатини билдиришда. Бизнинг фикримизча, ота-оналарга нисбатан тўйда керакмас, ортиқча сарф-харажатлар учун солиқ ва ёки жарима тўлаш масаласини қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу каби қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши давлатимизда жамоат тартибини ўрнатиб, халқ фаровонлиги ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутди.

Феруза МУҲИТДИНОВА,
юридик фанлар доктори



“ХОТАМТОЙЛИК” ҚАЧОНГАЧА?

ЯҚИНДА синфдошим тўнғич ўғлини уйлантирди. Оиламиз билан тўйга бордик. Ҳаммаки ҳам тўйга етказсин, топганимиз тўйларга буюрсин, дея ниёт қилдик. Тўй баъмидаги айрим ҳолатларни кўриб беихтиёр ақлингиз шошади. Ийгирмадан ортиқ “Каптив” русумли машиналар қатор бўлиб тизилган. Келин-куёв ўта замонавий, европача кийинган ва уларнинг хулқ-атвори, ўзини тутишини кўриб таъбингиз хира бўлади. Бу бошланиши экан. Ҳамма томоша кейин бўлди. Катта йўлда у қатор бўлиб тизилган “Тўй қарвони” ҳаттоки, йўловчи машиналарга йўл бермайди. Унис ҳам майли, иккита машина бир-бирига жуда яқин келади-да, бири иккинчисини ойнасидан кўёвжуралардан бирини тортиб олади. Худо кўрсатмасин, шу алфозда фалокат рўй берса борми? Хуллас, бу томошани кўриб, юрагим орқага тортиб кетди. Келинчиликга келгач эса, томошанинг қизиги бошланди. Кўёвжуралар кўёвни ўртага олиб ёпирилиб кириб келишди. Кўёв келишини кутиб ўтирган оқсоқол, ёши катталарни хурмат қилиш, салом бериш уларнинг ёдига ҳам келгани йўқ. “Ёр-ёр”ни ҳам чала-чулла айтиб ичкарига кириб кетишди. Дастурхон ёзилгунга қадар “бахт белгиси” сифатида чинни пиёла, лаганни ерга уриб синдиришди. Дастурхон ёзилди, нон қўйилиши билан кўёвжуралар спиритли ичимлик сўраб, бир овозда қийқиришиб бутун ҳовлини бошига кўтарди. Бу каби қўштинроқ ичидаги “одатлар”ни кўриб тўғриси, ҳайрон қолдим.

Бундай одатлар қаердан кириб келяпти, қайси халқда бор, бундай бемаъни одат? Буларни янги расм-русум, дейдиган бўлсак, унинг томирига кимлар сув қуймоқда. Нега бу ҳолатларни кўриб айрим ота-она, маҳалла фаоллари лом-мим дейишмапти?

Тўй ва маросимлардаги дабдабабозлик, ортиқча сарф-харажатлар, қудалар ўртасида ҳашаматли “борди-келди”ларнинг авж олаётгани турли салбий ҳолатлар, ҳатто, оилавий ажримларни келтириб чиқармоқда.

Фарзандларимиз миллий анъаналаримизни сиқиб чиқаришга уринаётган, маънавиятимизни, миллатимизни ошқора обрўсулантираётган бундай ғарбона иллатларга қарши тура олиши учун, аввало, уларни маънавий фазилатлар билан қуроллантиришимиз, гўзал шарқона тарбиямиз билан уларга ўрнатилган бўлишимиз лозим.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Фахрийлар фахримиз

“Қарилуф истар эсанг, қариларни хурмат тўт”

АЛИШЕР НАВОЙИЙ “Фавойид ул-кибор” девонида “Қарилуф истар эсанг, қариларни хурмат тўт”, деб ёзар экан, халқимиз тийнатидаги улғу ёшдагиларга эҳтиром кўрсатиш, эгаллаган мансабидан, бойлиқдан қатъи назар, ёшларнинг улғулар олдида ўзини камтарин тутиши, тўй-маъракаю издиҳомларда уларни тўғра ўтказиши, насихатларини жон қўлоқлари билан тинглаши зарурлигини ўқтиради.

“Фарҳод ва Ширин” достонида эса: *Кичикларга кичикдур умр асоси, Улғуларга улғурокдур қиёси, дейилди.*

Яъни, инсон ҳаётининг моҳиятини, одамод умрининг асосини ёшлардан кўра таърибли инсонлар — улғулар кўпроқ англади. Уларга қўлоқ тўтмоқ, улардан ўрганмоқ, маслаҳатларини олмоқ ёшлар учун шубҳасиз ҳам сув ва ҳаводек зарур, фойдали.

Маълумки, ҳар бир идорада, корхонада фахрий деган табаруқ номга эга бўлган ҳамда ҳозирда кесаллик гаштини сураётган отахон оналорнинг кўп. Узоқ йиллар фидойилик билан эл хизматини қилган, ўз касбини улғулаган меҳнат фахрийлари ҳамма амалдорларнинг, уларга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатилишида ҳаёт хикмати мужассам. Зеро, ёши улғуларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларга гамхўрлик қилиш фарзандларнинг бурчи, ҳар биримиз учун гўзал инсоний фазилат саналади.

Жумладан, Адлия вазирлиги тизимда сидқиқилдан ишлаб, фахрий деган улғу номга сазовор инсонлар гарчи қарилуф гаштини сураётган бўлса-да, ўзларининг бой таърибасини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Қариялар қадр топан юрда меҳриқоибат, қўт-баракат, тинчлик-хотиржамлик бўлади.

Сир эмас, ёши улғу инсонлар эътиборга, ширин сўзга интиқ бўлади. Шу боис, байрамларда уларнинг хонадонига бориб, тавааллуд топан кўнларига вазирлик жамоаси номидан кутлов хатлар юборилиши анъанана айланган.

Нуронийларимизнинг ёшлар билан юзма-юз мулоқотлари яхши самара бериб келади. Утган йиллари мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда шундай давра суҳбатлари ташкил этил-



(90 ёшни қаршилаган нуроний отахон, фахрий, 1985-1990 йилларда Адлия вазирлиги лавозимда ишлаган Баҳодир Олимжонов хонадонидан олинган сурат.)

ди, уларда кўплаб туманлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, иқтидорли ёшлар ҳамда коллеж ўқувчилари қатнашишди.

Фахрийларимиз ёшларга ўзлари босиб ўтган ҳаёт йўли ҳамда бугунги тинчлик, фаровонлиқнинг қадрига етиш кераклиги ҳақида сўзлаб, беминнат маслаҳатлари билан давра суҳбатларига фазл қиритишмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан фахрийлар меҳнатини қадрлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш мақсадида тадбирлар ўтказиб турилиши эса алоҳида эътиборга молик.

Жумладан, Адлия вазирлигининг Фахрийлар кенгаши томонидан тизимда узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан ва ҳозирда ёрдамга муҳтож фахрий ходимларнинг рўйхати шакллантирилди ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиламоқда.

Шу билан бирга умрининг энг қизгин палласини ҳуқуқшуносликка бағишлаган, айни кунда ногиронлик туфайли тўшақда қолган фахрийларимиздан ҳам ҳаммиса хабар олиб турилмоқда. Уларга зарур бўлган дори-дармон воситалари, ногиронлик арава-чалари ва моддий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

— Қарилган чоғинда инсон бир оғиз ширин сўзининг гадоси бўлиб қоларкан. Эшикдан кимдир йўқлаб келса, кўнглинг тоғдек ёришаркан, — дейди сурхондарёлик фах-


рийларимиздан Раъно Саидова. — Кунини кеча ўзим узоқ йиллар ишлаган ишхонамдан йўқлаб кетишди. Давлатимиз ёши улғу инсонларга қанчалик гамхўрлик ва меҳрибонлик қилаётганлигини Адлия вазирлиги мисолида тўла ҳис этишимиз мумкин. Ўтказиладиган байрам ва тантаналарга бизни, албатта, таклиф этишади. Қаерда дам олиб саломатлигимизни мустаҳкамлаш ниятини борлигини суриштириб, имтиёзли йўлларга олишимга ёрдам беришади. Бундай гамхўрлик учун ташаккур билдираман.

Узининг ибратли умр йўлини босиб ўтган Баҳодир Олимжонов, юридик фанлар доктори Халим Бобоев, Эркин ота Абдуллуев, Ёқубжон ота Жалолов, Одиқон ота Азимов, Тоқижон ага Дадахонова, Ёқубжон ота Бозорбоев, Алишер Мардиев, Уктам Раҳимов ва барча шундай табаруқ ёшдаги фахрийларимиз билан фахрланамиз.

Кекса-нуронийларнинг ўғит-насихатлари ҳаммиса ҳам эҳтиёж сезамиз. Уларнинг сермазмун ҳаёт йўли, ҳалол турмуш тарзига ҳавас ва ибрат намуна билан қараймиз. Тилгамиш эса пиру бадавлат отахон оналоримиз, муҳтарам фахрийларимиз доимо соф-саломат ва эъзозу эҳтиромда бўлсинлар.

Эрмуҳаммад ШЕРМАТОВ,
Адлия вазирлиги
Фахрийлар кенгаши раиси

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯЛАРИ



ТУРЛИ мамлакатлар конституцияларининг қабул қилиниш жараёни билан боғлиқ бир неча қизиқарили данилар бор. Шундай давлатлар борки, уларнинг ҳозиргача конституцияси йўқ, аммо уларнинг орасида демократияни бошқароладиган вакиллари бор.

Дунёдаги дастлабки конституция 1600 йил 8 октябрда қабул қилинган Сан-Марино Республикасининг амалдаги конституцияси бўлган. Дунёдаги биринчи ёзма Конституция 1787 йил АҚШ давлатида қабул қилинган. Конституциясига энг кўп ўзгартиришлар киритилган давлат — Франция ҳисобланади, бу давлатда 200 йил ичида 16 мартаба конституция қабул қилинган. Энг кўп моддалардан иборат конституция — Ҳиндистон. (395 модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига — 7 550 та сўз қўлланилган бўлиб, у 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат.

АҚШ

АҚШ конституцияси дунёдаги энг кичик ва энг ўзгармас конституция ҳисобланади. Американинг Бош қомуси биринчилардан ва энг қадимгиси ҳисобланади.

у ҳозиргача амалдаги конституция ҳисобланади. Конституция 1787 йилнинг май-сентябрь ойларида Институт қонвентда Филадельфияда қабул қилинган. Ушундан қонвентнинг раиси Жорж Вашингтон эди ва у икки йилдан сўнг АҚШ президенти бўлди.

ТАИЛАНД суди молиявий пирамида ташкил этган Пудит Киттирадипокни 13 725 йилга озодликдан маҳрум этди.

40 минг киши фирибгарнинг қурбонига айланган. Улар айбланувчининг компаниясига умумий ҳисобда 160 миллион доллар қиритишган. Судланувчи 2653 та банд бўйича айбдор, деб топилган.

Киттирадипок семинарлар ташкил этиб, уларда одамларни минилган машиналар, косметика ва бошқа буюмлар сотувчи компанияларга сармоя қиритишга ундаган. Одамларга янги ишларни қўйишга жалб қилганлиги учун ақлбодар қилмас даромад ва бонуслар ваъда қилган.

Фирибгар полиция томонидан қўлга олинган. Маълум қилинишича, суд фирибгар ўз айбини тан олгани учун унга чиқарилган жазо муддатини икки мартага — 6637 йил 6 ойгача қўсқатиришга рози бўлган. Бироқ фирибгар панжара орқидан 20 йилдан кўпроқ вақт ўтказиши дарғумон, чунки Таиланд қонунларида бундай турдаги жиноятлар учун чекловлар мавжуд.

“Инсон ва қонун” мухбири
Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Бухоро вилояти
Жондор туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Хоразм вилояти
Хазорасп туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Гурлан туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Қашқадарь вилояти
Қарши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Самарқанд вилояти
Нарпай туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Сурхондарё вилояти
Узун туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Денов туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Тошкент шаҳри
Миробод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Мирзо Улугбек туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Олмазор туман 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки тегишли адлия бошқармасига мурожаат қилиши мумкин. Бунда талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- комиссия номига ариза;
- паспорт нусخаси;
- белгиланган шаклда тўйдирилган шахсий варақ;
- меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилди) ёки унинг иш жойида тасдиқланган нусхаси;
- олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилди).

Агар талабгор адлия органлари тизимида ишлаётган бўлса фақатгина комиссия

номига ариза ва паспорт нусхаси топширилади. Ҳужжатларни Адлия вазирлигига топшириш учун (0-371) 236-78-52 ва 236-26-06 телефон рақамларига мурожаат қилиниши мумкин. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охири санаси 2018 йил 19 апрель.)

ТУЗАТИШ

Газетанинг 2018 йил 11-сонидан чоп этилган Фарғона вилоятида “Кувасой шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар нотариус” биринчи эълони “Кувасой шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар нотариус”, деб ўқилсин.


Қашқадарь вилоят адлия бошқармасининг 2018 йил 9 мартдаги буйруғига асосан Шахрисабз туманидаги “Legal truth defence” адвокатлик бюроси адвокати Ашуров Навруз Қурбонвичнинг адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга тайинланганлиги муносабати билан бошқарма томонидан унга 2018 йил 2 февралда берилган КС 000233-рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва 298-сонли адвокатлик гувоҳномаси ҳамда адвокатлик макому мазкур иш даврига тўхтатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Бухоро шаҳридаги “Куч адолатда” адвокатлик фирмаси адвокати Қодиров Меҳринисо Қўблованининг адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макому бошқарманинг 2018 йил 2 мартдаги буйруғига асосан тилланд.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 16-моддаси, биринчи қисмининг еттинчи бандига ҳамда вилоят адлия бошқармасининг 2018 йил 22 февралдаги 70-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги “Фар оидил инсон химоясига” адвокатлик хайъати адвокати бўлган Зухридинова Нигора Разиетдиновна (лицензия 03.06.2009 йил, ФЕ 000080, адвокатлик гувоҳнома №148, 02.07.2009 й.), Фарғона шаҳридаги “VERE-DISTUM” адвокатлик бюроси адвокати бўлган Юлдашев Олимжон Алиевичнинг (лицензия 20.05.2016 йил, ФЕ №000308, адвокатлик гувоҳнома №455, 03.01.2017 й.) адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макому тўхтатилди.

Қўнот шаҳридаги “Т.Мавлянов” адвокатлик фирмаси адвокати бўлган Аҳунджанова Муҳайе Азизовнанинг (лицензия 27.06.2016 йил, ФЕ №000314, адвокатлик гувоҳнома №434, 02.08.2006 йил) адвокатлик тузилмасидан чиққанлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 13-моддаси, 1-қисмининг 6-бандига ҳамда бошқарманинг 2018 йил 19 февралдаги 67-ум-сонли буйруғига асосан адвокат макому уч ойдаи ошмайдиган муддатда амалга оширилганда бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилигунга қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган даврга-ча тўхтатилди.

Ҳаёт сабоқлари



Касбиниздан уялманг!

КАСБ-ҲУНАРНИНГ яхши-ёмони бўлмайди, балки ҳалол ёки ҳароми бўлади. Нонни ҳалол йўл билан топиб ейиш ҳеч қачон уят бўлмайди.

Имом Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Раҳмоновнинг ҳайдовчилиги билан...

Имом Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Раҳмоновнинг ҳайдовчилиги билан...

Раҳматуллоҳ САЙФУДИНОВ, Юнусобод туман бош имом-хатиби

Огоҳлик

ВИРТУАЛ ОЛАМДА

ТАЪКИДЛАШ жоизки, кимдир эҳтиётсизлик орқасидан, кимдир бойлик илжинида, кимдандир ўч олиш ниятида компьютер техникасидан номақбул фойдаланади.

Шу боис республикамизда ахборот технологиялари соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан биргаликда, махсус ваколатли органлар ва хизматлар ташкил этилган.

Жумладан, Алоқа, ахборот-лаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қошида Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолият юритган.



хавфсизлик чоралари қандай қўрилади?

бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори билан мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази этиб қайта ташкил этилди.

Марказнинг асосий вазифаси сифатида ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар ба-

заларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган самарали ташкилий ва дастурий-техник ечимларни оператив қабул қилиш бўйича тавсиялар ва тақлифлар ишлаб чиқиш белгиланди.

Шу билан бир қаторда, республикамизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш йўналишларида қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

радорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида энг янги ахборот технологиялари ва рақамли ускуналар билан жиҳозланган Ахборот-таҳлил мультимедия маркази ташкил этилди.

Мамлакатимизда виртуал муҳитдан фойдаланишни тартибга солиш, кибержиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан самарали ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, замоннинг шиддатли ривожланиши ушбу соҳага доимий равишда эътибор қаратишни, уларни доимий равишда чуқурлаштириб боришни талаб этмоқда.

2018 йил 7 февралда Москва шаҳрида бўлиб ўтган Кибер хавфсизлик бўйича халқаро форум (Cyber Security Forum-2017)да кибер жиноятлар оламда бугун энг кўп тарқалган учта хуруж қайд этилган.

Экспертларнинг фикрича, фишинг орқали маълумотларни ўйриш, махфий мақсадга эга мобил илова-лар орқали электрон қурилмаларга кириб бориш ва алоқанинг химоя қилинмаган каналларини томоша қилиш орқали бугун кўпчилик интернет фойдаланувчилари кибер жиноятларнинг қурбонига айланмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда кибер жиноятчиликда муайян шахннинг ёки объектининг географик жойлашган нуқтаси тўғрисида хабар тарқатиш, шахсий маълумотлар базасини бузиб кириш каби хизматлар оммалашган. Хакерлар бу каби маълумотларни интернет ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан турли электрон ресурсларга уларнинг фойдаланиш шартларини ўқимасдан туриб киришлари эвазига олишмоқда.

Яъни, биз ижтимоий тармоқда дуч келадиган "Неча йил яшайсиз?", "АҚШ Президентини сиз ҳақингизда нима дейди?", "Қайси Голливуд актёрига ўхшайсиз?" каби хизматлар аслида фишинг бўлиб, сиз улардан фойдаланиш чоғида шартига рози бўласиз ва ўзингиз тўғрисидаги маълумотларни уларга ҳада қилган бўласиз.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, агар ҳар бир интернет фойдаланувчиси ва хизмат кўрсатувчилар кибер оламда ҳам ҳаётдаги каби эҳтиёткорликни унутмасалар, аксарият кибер жиноятларнинг олди олинган бўлар эди.

Руслан РЎЗИЕВ, Нурота туман прокурори

Қилмиш-қидирмиш

ЯҚИНДАГИНА турмадан қайтган, аммо ахлоқ тузатиш иши бўйича муддат ўтаётган, ўғирликда пихини ёрган, 33 ёшга киргунча 6 марта судланишга улгурган хавфли рецидивист Акмал Ражабовга эса кейинги пайтда новвойлик сира ёқмаётган эди.

Қишнинг аёзли кунларининг эрта тонгида ҳамма уйқуда ётганида у баландкўприк кўчасидаги уйнинг ўзига таниш новвойхонаси томининг очиқ жойидан ҳовлига тушди. Дастлаб, кираверишда турган аравага телевизорни ортиб, таниши Олим Юсуповнинг уйига олиб бордида, "пул зарур бўлиб қолди", дея 100.000 сўмга пуллади. Олим Юсупов ҳам "Телевизорни қаердан олдинг,

нега бунча арзон сотаяпсан", деб сўраб ҳам ўтирмади. Қайтага Акмал Ражабов "Аравани ҳам олақолинг", деганида 45.000 сўмга уни ҳам олиб қолди.

Осон қўлга киритилган "ўлжадан" нафси ҳақалак отган Акмал Ражабов орадан бир кун ўтиб яна эгасиз ҳовлига ўғирликка тушди. Сўнг бу яна қайталади. Хуллас, ўша хонадон бу ўғирликдан бир миллион сўмдан кўпроқ зарар кўрди.

Бу жиноят фош бўлмай қолмади, албатта. Аммо бу вақтда Акмал Ражабов ўғирланган нарсаларидан анчасини сотиб юборишга ул-

гурганди. Одамлар ҳам қизиқ, А.Ражабовнинг "Ўзимники, пул зарур бўлиб қолгани учун сотаяпман", деган гапларига лаққа учиб, "нега бунча арзон" деган шубҳага бормай, сотиб олаверишди. Кейин эса бу нарсалар қайтариб олинган, ўғирнинг гўрига гишт қалашди.

Суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган Акмал Ражабов 7 йилга яна ўзи учун "қадрон" бўлиб қолган панжара ортига йўл олди.

Қиссадан ҳисса шуки, алломаларимиз "гарчи огоҳсен — шохсен", деганларидек,

Ёттинчи жиноят



огоҳлик доим керак. Зеро, бу ҳислат инсонга ҳеч қачон панд бермайди.

Тошпўлат МУЗАФФАРОВ, Кибто туманидаги "Кафолат" адвокатлик бюроси адвокати

Ахлоқ

ҚАЛБИНГ ТОЗА БЎЛМАСА дунёни кир кўрасан

БОЛАЛИГИМДА бувим панднасиҳат қилар эди. Бугун ўша пайтда мен учун бироз зерикарли бўлиб туюлган гапларни тез-тез ёдга оламан. Айниқса, "Агар олдингдан эркак киши ўтадиган бўлса, унинг йўлини кесиб ўтма, бироз кутиб тур, бошингни кибер билан кўтариб юрма, атрофдагиларга ҳурматсизлик қилган бўласан, юрар йўлингга туфлама" каби сўзлар замирида жуда кўп ҳикмат борлигини англадим.



қўйилган-ку, дейишингиз табиий. Лекин ўша ахлат қутисигача етиб боришга ёки унга қўлимиздагини ташлашга фаросатимиз ҳар гал ҳам етавермайди. Кези келса, ер напарни кўтармайди-ю, сув нималарни ювмайди, деймиз. Шундай бўлса-да, кишини қувонтирадиган томони ана шундай гавжум жойларда кейинги пайтларда обод ва озодгарчилик учун қўйилган талаб кучлигини ва унга фуқароларимиз томонидан кўча-кўйдагига нисбатан рия қилинаётганлигини кўриш қийин эмас.

Хар ўн-ўн беш қадамда ахлат ташлаш учун махсус қутиларни, қўлда узун супурги кўтариб юрган фаррошларни учратамиз. Бу эса атрофдаги ҳар бир одамни ўйлаб, хушёр тортишга, энг муҳими, озодалик ва ободликка ундайди. Бизнинг эса озодалик борасида ваъзхонлик қилиб қўлимизга қалам олишдан кўра таъсирлироқ бўлиб хиз-

мат қилади. Шу ўринда, аллома Абу Ҳамид Ғазолийнинг инсон ҳақида айтиб ўтган фикрларини келтириш ўринли бўлса керак. У: "Инсон ботинида тўрт оёқлилар, йиртқишлар, девлар ва чин инсонларга хос феъл (характер) мавжуд. Уларнинг ҳар бирининг ривожланиши учун эса алоҳида озуқа бор", дейди.

Демак, инсондаги ёмон хулқлар учун озукани тарбиясизлик, деб билишимиз мумкин. Зеро, тарбиялилик ва одоб-ахлоқ инсон ва ҳайвон ўртасидаги тафовут эмасми?

Аллома айтганидек, тўрт хислатлардан фақат чин инсонларга хос "феъл"-имизни гўзал хулқ-атвор, яхши фазилатлар билан озиклангирасак ботини ва зоҳирий қиёфамиз намунали кўринишга айланган бўларди.

Гулсумхон ШОДИЕВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

Энг бемаъни суд қарорларига бериладиган мукофот



"СТЕЛЛА" мукофоти ҳар йили АҚШдаги энг бемаъни суд қарорларига бериладиган мукофот ҳисобланади. Бу мукофот 1992 йилда Макдоналдс ресторанининг биринчи ўзининг устига қаҳва тўкиб юбориб, ресторани судга берган Стелла Либек номи билан аталган. Ўшанда суд кампирга 2,9 миллион доллар миқдорда товон пули тўлашга ҳукм чикарган. Мукофот мақсадларидан бири уйдирма воқеаларни ҳақиқатда содир бўлган ҳодисалардан ажраттириш.

СОВРИНДОРЛАР

2004 йилда Мэри Убауди автомобилни химоя камарисиз сотгани ва шу тўғрисида автофалокат содир бўлганини айтиб, "Мазда Моторс" устидан даъво қилиб, 150 минг доллар талаб қилган.

2005 йилда Кристофер Роллер — кўзбойлогич Дэвид Блейн ва Дэвид Копперфилд устидан даъво аризаси киритади. Узини илоҳ, деб ҳисоблаган даъвогар кўзбойлогичларни ўз фокус-

ларида физика қонунларига эътибор қилмаётганликлари, демакки, илоҳий кучдан фойдаланаётганликлари, шу боис унинг муаллифлик ҳуқуқини бузаётганликларида айблайди.

2006 йилда Аллен Рэй Хеккард — Майкл Жордан ва "Nike" компаниясига қарши даъво аризаси киритган. Хеккарднинг айтишича, машҳур баскетболчидан 3 дўйм паст, 25 фунт енгил ва 8 ёш катталигига қарамай, уни кўпинча Жордан билан адаштиришар экан. Шу боис у "туҳмат ва доимий руҳий зарбалар" учун 52 миллион доллар ҳамда "руҳий азоб ва қийноқларнинг ўрнини босиш учун" 364 миллион доллар миқдорда товон пули талаб қилган.

Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва Адабиёти Университетининг ўзбек-инглиз таржима факультети 2-босқич талабаси Барчиной МУҲАММАДИЕВА тайёрлади.

AGROBANK advertisement with text: Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар! Барчангизга соғлиқ-омонлик, бахту саодат ҳамда хонадонларингизга файзу барака тилаймиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, Агробанк сизлар учун қулай бўлган истеъмол кредитларини тақлиф этади.